

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF
«SCIENTIFIC PROGRESS»

ISSN: 2181-1601

The 21st Century Skills for
Professional Activity

Proceedings of the 11th International
Scientific-Practical Distance Conference

2021 | NOVEMBER 15

www.scientificprogress.uz

UZBEKISTAN



SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF
«SCIENTIFIC PROGRESS»
ISSN: 2181-1601


THE 21st CENTURY SKILLS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY

PROCEEDINGS OF THE 11th INTERNATIONAL
SCIENTIFIC-PRACTICAL DISTANCE CONFERENCE



www.scientificprogress.uz

TASHKENT, UZBEKISTAN
2021, NOVEMBER 15



Xolida Ergashevna Bozorova

Nodira Afoqovanning “Xayyom chodirinda” asari (pp. 66-68)

Bozorova Xolida Ergashevna

Usmon Azimning Navoiy g`azaliga muxammasi sharhi (pp. 69-73)

O. A. O`rozaliyev, O` B. Shamsiyev

Motivatsion nazariyalar va ularning inson hamda jamiyat rivojiga ta`siri (pp. 74-78)

Ш. Ш. Улугова

Роман матнида диний дунёқарашнинг метафорик ифода топиши (Шарлот Бронтенинг “Жейн Эйр” романи мисолида) (pp. 79-85)

Қўлдошов Ўктамжон Ўрозович

Замонавий таржима назариясининг асосий тушунча ва тамойиллари (pp. 86-93)

Dilshoda Mashrab qizi Mamatova

O`tkir Hoshimovning “Qalbingga quloq sol” qissasidagi Vasila Nazarovna obrazining asarda tutgan o`rni (pp. 94-97)

Xusanov Rustam O`ktam o`g`li

Temir yo`l muhandisligi yo`nalishidagi talabalar uchun matematik modellash, zamonaviy dasturlarni qo`llash ahamiyati (pp. 98-101)

Абдуллаев Ботирхон Исмоилович, Турсунов Икромжон Гуломжо

Кремний кристалларида киришмали атомлар ўзаро таъсирлашув механизми ва улар микробиркмасининг хосил бўлиши (pp. 102-106)

Абдуллаев Ботирхон Исмоилович, Турсунов Икромжон Гуломжонович

Кремний кристалларида киришмали атомлар ўзаро таъсирлашув механизми ва улар микробиркмасининг хосил бўлиши (pp. 102-106)

Аҳмадова Умидахон Шавкат қизи

Перифраза ва сўз (pp. 107-111)

Durmanova Gulchehra Dusiyarovna, Turdiyev Azamat G`ayratovich

Darslarda multimedidan foydalanish (pp. 112-117)

Матниязова Азиза Бахтиёровна

Значение мелкой моторики в развитии речи детей дошкольного возраста (pp. 118-122)

ПЕРИФРАЗА ВА СЎЗ

Аҳмадова Умидаҳон Шавкат қизи

Бухоро давлат университети, Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси,

ф.ф.ф.д. (PhD)

u.s.ahmadova@buxdu.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада перифразалар нутқнинг турфа хиллигини, бадийлигини, таъсирчанлигини, тингловчи учун эшитимлилигини, сўзловчи учун гўзал ифодалар яратиш имконини берувчи услубий воситалардан бири эканлиги, перифрастик бирликларнинг сўз ва сўз вариантлари орқали ифодаланиши фактик мисоллар орқали таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: перифраза, тил, сўз, тилшунослик, ўзбек тили, матн, перифрастик бирлик, жамият, ижтимоӣ.

Перифразалар услубий восита сифатида нутққа кўтаринкилик, образлилик бахш этади, жамият тараққиёти талабларидан келиб чиқиб, луғат таркибини бойитиб боради. Нутқ жараёнида такрорлардан, қайтариқлардан қочиб имконини беради, нотикни сўзамолликка, тингловчини эса фалсафий мушоҳада этишга ундайди. Шунингдек, тасвирий ифодалар фақат жозибадорлик ва образлилик, нутқни бойитиш, унинг мазмунини кучайтириш учунгина эмас, балки жамиятнинг олға қадам қўйишига тўсқинлик қилаётган иллатларни фож қилиш, улардан кулиш ва уларга қарши курашга чақириб мақсадида ҳам ишлатилади. Бинобарин, тасвирий ифодалар предмет, воқеа-ҳодисаларнинг ўз номи орқали юзага чиқмаган муҳим хусусиятларини тасвирлаб, бўрттириб, изоҳлаб ва тўлдириб кўрсатишда муҳим нутқий восита ҳисобланади.

Мутахассислар томонидан ўрганилган тилларнинг луғат таркиби устида олиб борилган ишлар шуни кўрсатадики, сўз маъноларининг ўзгариши тасодифий бир ҳол бўлмай, балки жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ қонуний ҳодисадир. Жамият тараққиёти натижасида вужудга келган янги предмет, тушунчалар ҳар доим ҳам янги сўзлар орқалигина ифодаланмай, балки предметнинг маълум белги-хусусиятларини, ўзига хос томонларини очиб берувчи сўз маънолари орқали ҳам тасвирланади. Шунга кўра, сўз маънолари кўчади, кенгайди ёки тораяди.

Сўз маъноларининг кенгайиши ва кўчган ҳолда қўлланиши тилнинг, айниқса, луғат таркибининг бойлигини оширувчи омиллардан биридир. Одатда, нутқда кўчма маъноли сўزلарни қўллаш ўша тилнинг луғат захираси нақадар бойлигини кўрсатувчи, услуб раволиги таъминлаш имкониятлари беҳад кенглигини, ифода мазмундорлигини таъминловчи, образлилик яратишга хизмат қилувчи муҳим воситалар хилма-хиллигини характерлайди.

Маълумки, сўз маъносининг кўчиш йўллари метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадорлик кабилардир. Тасвирий ифодалар ҳосил бўлишида ушбу усулларнинг аҳамияти катта. Масалан, *оқ олтин* – пахта (метафора усулида), *ўзбек романчилиги мактабининг асосчиси* – Абдулла Қодирий (метонимия усулида), *чарм қўлқоп устаси* – боксчи (синекдоха усулида), *фазогир* – космонавт (вазифадорлик усулида) кабиларда муайян нарса-предметга хос белгининг номи бошқа нарса-предметдаги белгига ном сифатида кўчирилган. Шунга кўра, тасвирий ифодалар ҳосил бўлган. Тасвирий ифодалар кўпроқ от ва сифат туркумларига мансуб бўлади. Тасвирий ифодалар баъзан икки предметга битта тасвирий ифода (*ақл гимнастикаси* – математика, шахмат; *қора олтин* – нефт, кўмир, *аср мўъжизаси* – компьютер, интернет) ёки битта предметга иккита тасвирий ифода қўлланиши (*зангори экран, ойнаи жаҳон* – телевизор, *оқ халат соҳиблари, саломатик посбонлари* – шифокорлар, *тафаккур озуқаси, ақл чирози* – илм) мумкин.

Перифраза – мураккаб табиатли ҳодиса. Гарчи у аташ хусусиятига кўра сўз варианты (мантикий маънодоши) ёки муайян лексема парадигмасида турувчи ҳосила ҳисобланса-да, тузилиш хусусияти ҳамда муайян тушунча, воқеа-ҳодиса, белги, шахс ёки нарсани образли ифодалашига қараб, шунингдек, таркиби бирдан ортик сўздан иборатлигига кўра сўз таърифига мос келмайди. (Шунингдек, перифразаларда сўзлардаги каби кўпмаънолилиқ хусусияти ҳам мавжуд эмас.)

Зеро, перифраза қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача олимларни доимий қизиқтириб келаётган мураккаб бир тузилма, нутқда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро таъсир қиладиган турли хил функциялар ҳамда хусусиятларга эга бўлган бутунлик сифатида ҳамон аниқ ва бирлаштирилган асосли ҳаволага эга эмас. Перифраза кўп функцияли ҳодиса сифатида матндаги сўзларни алмаштира олади, бир вақтнинг ўзида муайян бирликни номлайди, объектни тавсифлайди ва, кўпинча, уни баҳолайди. Билъакс, перифраза номловчи, характерловчи, тавсифловчи, шунингдек, баҳоловчи номинация сифатида нафақат объект ҳақида, балки номинация мавзуси ҳақида ҳам маълумот бериш хусусиятига эгаки, шу боисдан ҳам унга тугал таъриф бериш, тилшуносликнинг муайян сатҳи доирасидагина тадқиқ этиш ёки ҳозиргача ўрганилган бошқа нуткий ҳодисалар сирасига киритиб, шу асосда перифразанинг концептуал ўзагини белгилаш, ягона таснифини бериш мушкул. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳозиргача амалга оширилган тадқиқотларда перифразалар бир неча гуруҳларга кўшиб ўрганилган. Жумладан:

1) лексикология таркибида: Бир гуруҳ олимлар перифразанинг номинатив хусусиятига таяниб уни тўғридан-тўғри тилнинг аташ хусусиятига эга бўлган birlikлари қаторига жойлаштиришади. Масалан, Ю.Скрёбнев перифразани “юқори эмоцияли лексика” (“высокоэмоциональной лексика”), “тавсифли номинация” (“Описательная номинация”), “метонимик тавсифланган номинация” (“номинация как метонимическое описание”) сифатида белгилайди

[4, 96]. Фикримизча, узоқ йиллар ўзбек мактабларининг «Она тили» дарсликлари таркибида “Тасвирий ифода” мавзусининг лексикология сирасида берилиши ҳам шу билан боғлиқ.

Ю.Рапаева “Перифразанинг тузилиши ва типлари” мақоласида шундай ёзади: Перифразани номинатив birlik сифатида тавсифлаш унинг кўп қиррали моҳияти доирасини торайтиради ва перифразаларнинг “образли ифодалаш” хусусиятининг ўзиёқ уни лексик birlikлар, яъни сўздан четга чиқаради [2, 90]. Дарҳақиқат, перифразаларнинг аташ маъноси уларнинг биргина хусусияти бўлиб, перифразани фақат шу номинатив хусусияти асосида тавсифлаш моҳиятга бир томонлама ёндашишдан бошқа нарса эмас.

2) фразеология таркибида: Перифраза, аслида, иборанинг бир кўриниши бўлиб тавсифловчи ибора сифатида мавжуддир. Перифраза нутқ жараёнида “бошқа ибора ёки сўзнинг маъносини тавсифлаб узатиш” хусусиятига эга алоҳида фразеологик birlik ҳисобланади ёки “объект ёки ҳодисанинг номини уларнинг муҳим хусусиятлари тавсифи билан алмаштиришдан иборат бўлган айланма”, “бошқа ифода ёки сўзнинг маъносини тавсифловчи, кенг тарқаладиган ибора” мазмунидаги таърифларга тез-тез дуч келамиз [3].

Фикримизча, перифраза лексемадан ҳам, фраземадан ҳам фарқланувчи, бироқ уларга ёндош, алоҳида нутқий ҳодисадир.

3) стилистика таркибида: Тилшуносликда перифраза “стилистик қурилма”, “нутқий стилистик мослама”, “экспрессивликни ошириш учун ишлатиладиган оғзаки айланиш”, “стилистик асбоб”, “объект ёки ҳаракатнинг битта сўзли номини тавсифли вербал сўз билан алмаштиришдан иборат стилистик-семантик шакл” сифатида талқин этилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд [1].

Юқоридаги таърифларда перифраза матн тузилишида экспрессивликни таъминловчи энг муҳим birlik тарзида талқин этилган. Нутқнинг ранг-баранглигини таъминловчи услубий восита қуроли эканлиги асосланган. Кишилиқ жамиятида, илм аҳли орасида, тилшуносликнинг ноёб дурдонаси

сифатида, услубшуносликнинг асосий компоненти эканлиги фактик материаллар орқали таҳлилга тортилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Квятковский А.П. Поэтический словарь. – М.: Сов. Энциклопедия, 1966. – С. 376.
2. Рапаева Ю.В. Структура перифразы и ее типы. – Уфа: Лето, 2013. – С. 90-91.
3. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов (Пособие для учителя). – М.: Просвещение, 1985. – С. 399.
4. Скребнев Ю.М. Очерк теории стилистики (Учебное пособие для студентов и аспирантов филологических специальностей). – Горький, 1975. – С. 175.